

Шу мен ўзим – козокман. Козокни яхши кўраманми, ёмон кўраманми? Агар яхши кўрсам, киликларини ёктиришим керак эди. Ва хар нечук улардан одам яхши кўрарлик, кўнгилга таскин бўларлик бир нарса топишим керак эди. Шуни ё умид узмасликка ёки униси бўлмаса, буниси бор-ку, деб кўнгилга кувват беришим керак эди, ундейим йўк. Агар ёмон кўрсам, сўйлашмаслигим, мажлисдош, сирдош, кенгашдош бўлмаслигим керак эди, тўдалашган жойига бормай, “Не килди?”, “Не бўлди?” демай, ётишим керак эди. Бунинг иложи бўлмаса, буларнинг орасидан кўчиб кетишим керак эди. Буларни тузатаман, ўзлари тузалар, ўрганар деган умидим хам йўк.

Буларнинг бирортаси йўк. Бу нимаси?

Мен ўзим тирик бўлсан-да, аник тирик хам эмасман. Анчайин ўшаларнинг хўрлигиданми, ўзимдан ўзим хорланганимданми, ёки бошка бир сабабданми – хеч билмайман. Сиртим сог бўлса-да, ичим ўлик. Аччиклана- ману, газабана олмайман. Куламану, кувона олмайман, сўйлаганим ўзимники эмас, кул- ганим ўз кулгим эмас, бариям аллакимники. Кувватим борида козокни кўзим кийиб, ўзга ёкка кетмак тугул, козокни яхши кўриб, умид килиб ётибман. Козокни обдон билиб, ундан умидимни узган кезларда менда ўзга ёкка ке- тиб, ётни ўз килиб яшаш учун кувват сўниб колган экан. Шу сабабдан мен – кўлидан хеч иш келмайдиган бир юрган гавда. Баъзида ўйлаб коламан: шундай бўлганиям яхшидир, ўлар чогда: “Хай, аттанг, шундай-шундай яхши нарсаларим колиб кетди”,- деб гам чек- майман. Олдинга амалга ошган тилакларинг турмаса, орtingга карамай, ўлаверасан экан.